



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 26 март, № 60 (4470)

Чоршанба

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Шу йил 25 март куни Термиз шаҳрида Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.



Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Сурхон воҳаси, унинг фидойи меҳнатқиллари ўз юртини янада обод қилиш ва тараққий топтиришда ҳеч қандай қўрқинч бўлмаган, балки баъзи бир жараёнларда бошқаларга ибрат бўлиб келаятиган барчамизга қатта мамнуният бағишлайди, деди Ўртабшомимиз.

Давлатимиз раҳбари, аввало, Сурхондарё вилояти кейинги йиллар мобайнида эришган иқтисодий-иқтисодий натижалар ҳақида тўхталиб, 2007 йил якунига қўра, бу ерда янги ҳудудий маҳсулот ҳажми 7 фоизга ўсгани, жумладан, саноат маҳсулотлари 10,4 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 2,3 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 9,4 фоизга ошганини таъкидлади.

Маълумки, бугунги кунда юртимиздаги ҳар қайси ҳудуд ва минтақа ривожига ҳорижий инвесторлар билан самарали ҳамкорлик қилиш, иқтисодийётта чет эл сармояларини фаол жалб этиш энг муҳим ва устувор аҳамият касб этмоқда.

Айни Сурхон воҳасида ана шундай масалани қўйишга барча асослар борлигини ҳаммамиз яхши англаймиз, деди Ислам Каримов. Авваломбор, Сурхондарё вилоятида навбати бўйликлари ушбу замиридан захиралари мавжудлиги уларни ўзлаштириш ва эл-юртимиз

манфаати йўлида ишлатишга ўндайди.

Айниқса, халқимиз бунёдкорлик қудратининг яна бир амалий намуни бўлган йирик коммуникация иншооти — «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг ишга туширилиши бу борада янги-янги имкониятлар ва уфқлар очганини ўзимизга тасаввур қилиш қўйин эмас.

Бугун шуни алоҳида мамнуният билан айтиш мумкинки, Шеробод туманидаги Бешбулок қониди аниқланган 150 миллион тонна миқдордаги хом ашё захираси асосида салкам 300 миллион долларлик тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жорий қилиш ҳисобига юқори сифатли цемент ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди. Шу мақсадда Жанубий қорёқлик ҳамкорларимиз билан биргаликда қўшма корхона ташкил этилди.

2010 йилда ишга тушириш мўлжалланган бу заводнинг ўзида мингдан зиёд янги иш ўрни очилишини инобатга оладиган бўлсак, унинг вилоят учун нафақат иқтисодий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам қандай муҳим аҳамиятга эга экани аён бўлади.

Айни вақтда яна бир истиқболли лойиҳа — қатта миқдорда полиметалл захираларига эга бўлган

Сариосиё туманидаги Хонжиза қониди ҳам ана шу бойликлари ўзлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Утган йили шу мақсадда 4 миллиард 400 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланганининг ўзиёқ бажаришга ишлар ҳажмидан далolat беради. Шунингдек, Бойсун ва бошқа ҳудудларда жойлашган ер ости бойликларини ўзлаштириш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Вилоятда саноат соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритганда, ўтган йили бу ерда 15 та, жумладан, қурилиш материаллари саноатини модернизация қилиш ҳисобига 6 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Шундан сўнг Ислам Каримов мажлис ахли этиборини вилоят иқтисодиётида етакчи тармоқ бўлган қишлоқ ҳўжалиги соҳасида кейинги йилларда муайян натижаларга эришилаётганига қаратади. Айниқса, пахтачилик ва галлачилик бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишида ҳудудда фаолият кўрсатаётган 14 миң 400 та фермер ҳўжалиги ҳал қилувчи куч сифатида ўзини намойин этаётганини таъкидлади.

Утган йили 2004 йилдагига нисбатан сабзаот 1,5 баробар, картошка 1,2 баробар, мева ва узум эса қариб 2 баробар кўп етиштирилгани, албатта, сурхондарёлик

соҳибдорларнинг самарали меҳнати натижасидир.

Вилоятда қурилиш ва ободончилик, иқтисодий инфратузилмаларни ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ишлар бажаришда. Масалан, 2005-2007 йиллар давомида, асосан, қишлоқ жойларда 1 миллион 650 миң квадрат метр уй-жой барпо этилиб, 490 километрдан ортиқ табиий газ, салкам 700 километрлик ичимлик суви тармоғи тортилгани ҳам ана шу ишларнинг ҳажми ва қўламини кўрсатади.

Бу ерда ўтган йили 9 миңдан зиёд ўқувчи мўлжалланган 15 та касб-хўналар коллежи, 16 миңдан ортиқ ўқувчи таълим оладиган 51 та мактаб фойдаланишга топширилгани, ҳеч шубҳасиз, ёш авлодимизнинг замонавий асосда таълим-тарбия олиши учун қатта имкониятлар яратмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун Сурхондарё вилоятининг қиёфаси ўзгариб, қўлаб соҳаларда даврнинг ўзи талаб этаётган янгиликни ва ўзгаришларни амалга ошириш йўлида сезиларли ишлар қилинаётганини кўриш-кузатиш мумкин. Лекин вилоятда вужудга келган умумий аҳволни таҳлил қилиб, ҳолисона баҳо берадиган бўлсак, бу ердаги ислохотларнинг бориши, ривожланиш суръатлари барчамизни қониқтирмаслиги табиийдир, деди Ўртабшомимиз ва мажлис иштирокчилари этиборини қўйидаги масалаларга қаратади.

Мисол учун, саноат соҳасидаги аҳволни алоҳида бўлсак, қўлгина жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигини кўз юмиб бўлмайди. Бу соҳадаги ислохотларнинг асосий шарт ва мезони бўлган таркибий ўзгаришлар жараёни изчил амалга оширилмаётгани тўғрисида 2004-2007 йиллар давомида бир қанча лойиҳаларни имтиёзли асосда амалга ошириш белгиланган эди. Минг афсуски, ана шундай этибор ва имтиёзга қарамай, бу лойиҳалардан биронтаси ҳам жорий этилмаган.

Бундай аҳвол, аввало, Бандихон, Қизилқум, Қумқўрғон, Музабот, Сариосиё, Узун ва Шеробод туманларида мавжуд эканини қайд этиш зарур.

Вилоятда яна бир муҳим йўналиш — ҳорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга оширишда ҳам оқсоқлик кўзга ташланмоқда.

Мисол учун, 2007 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида вилоятда 2 та лойиҳани амалга оширишга қаратилганлиги алоҳида қайд этиб ўтилади.

лаштириш жараёнлари бўйича белгиланган режа ва дастурлар тўлиқ бажарилмаётгани ҳақида ҳам тўхталиб, қўйидаги фикрларни баён қилди.

Мулк эгаларининг хусусийлаштирилган корхоналарни замон талаблари асосида қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, шу тариқа ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрмаётгани бу соҳадаги ишлар ҳўжақўрсин учун, номини асос бўлмоқда, деб айтишга асос беради.

Текширишлар натижасида илгари хусусийлаштирилган 265 та корхонадан 25 таси тўла қувват билан ишламаётгани, 13 та корхона эса муғлақ фаолият юритмаётгани аниқланди.

Сурхондарёда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам талаб даражасида ривожланмапти. Буни биргина рақам, яъни 2007 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 580 тага ошгани ҳолда, уларнинг саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши 20,5 фоиздан 16,7 фоизга тушиб қолгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Бундай ноҳуш ҳолатнинг асосий сабаби шундаки, вилоятда ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта қисми, асосан, савдо-сотик билан шуғулланмоқда. Улар орасида маҳаллий хом ашё асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар сони бармоқ билан санарилади.

Вилоятда ташқаридан олиб келинадиган бутловчи қисм ва материалларни шу ернинг ўзида кичик корхоналар ташкил этиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун Маҳаллийлаштириш дастурида 2004-2007 йиллар давомида бир қанча лойиҳаларни имтиёзли асосда амалга ошириш белгиланган эди. Минг афсуски, ана шундай этибор ва имтиёзга қарамай, бу лойиҳалардан биронтаси ҳам жорий этилмаган. Бундай аҳвол, аввало, Бандихон, Қизилқум, Қумқўрғон, Музабот, Сариосиё, Узун ва Шеробод туманларида мавжуд эканини қайд этиш зарур.

Вилоятда яна бир муҳим йўналиш — ҳорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга оширишда ҳам оқсоқлик кўзга ташланмоқда.

Мисол учун, 2007 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида вилоятда 2 та лойиҳани амалга оширишга қаратилганлиги алоҳида қайд этиб ўтилади.

(Давоми 2-бетда).

Абдувоҳид ТўРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Т. И. Жўраевни Сурхондарё вилоятининг ҳоқими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ: Туробжон Икромович Жўраев Сурхондарё вилоятининг ҳоқими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 25 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А. Х. Эшмуротовни Сурхондарё вилоятининг ҳоқими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ: Абдулҳаким Хушбоқович Эшмуротов Сурхондарё вилоятининг ҳоқими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 25 март

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATIDA

Парламент юқори палатаси қўмиталарининг 25 март кунги мажлиси Сенатнинг бўлажак ўн учинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритиш мўлжалланган масалалар муҳокамасига бағишланди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасида, жумладан, «Суд ҳўжатлари ва бошқа органлар ҳўжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгариш киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўриб чиқилди. Мазкур Қонун, фаолияти қайси манбадан молиялаштирилишидан қатъи назар, барча реклама тарқатувчи ва иқтисодий мақсаддаги ахборотларни жойлаштириш мажбуриятини белгилаб қўйишнинг ҳамда аҳолини иқтисодий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш қўламини янада кенгайтиришга йўналтирилганлиги мажлис ахли томонидан таъкидланди.

«Жарима тарихидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжатларига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процесуал кодексининг 238-моддасига ўзгариш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қўнунлиги қўйишга қаратилганлиги алоҳида қайд этиб ўтилади.

(Давоми 2-бетда).

МИСР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Юртимизда «Миср маданияти кунлари» бошланди. Кеча пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида мазкур тадбирнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирок этди.

Ушбу йирик маданий тадбир Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси қўшидаги Миср маданият маркази, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Хамкорлик

Юртингизда Миср маданияти кунларининг ўтказилиши, энг аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, — деди биз билан суҳбатда Миср маданият маркази масъул ходими Мустафо Абдул Раҳим. — Бу тадбирда иштирок этиш учун Миср давлатидан махсус делегация ташриф буюрган. Улар орасида Мисрнинг маданият соҳасидаги етакчи намоёндалари, санъаткорлари, раққослар ҳамда «Ал-Ахром» газетаси муҳбирлари бор. Олти кун мобайнида халқингиз мамлакатимиз маданияти ва санъати билан яқиндан танишади, ҳар икки мамлакат иждоқор ва

санъаткорларининг ҳамкорлиги янада мустаҳкамланади.

Тадбир доирасида мисрлик расмий Сайид Иброҳим Мухаммад Кандийнинг кўргазмаси, Ўзбек Миллий академик драма театрида «Оналар байрами» бадиий кечаси, олий ўқув yurtлари талабалари учун араб тили байрами ва «Хуррият» фольклор гуруҳининг концерт дастури намойиши бўлиб ўтиши кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси бундан аввал Қоҳирада Ўзбекистон тасвирий санъат фестивалини ўтказган эди.

Очилиш маросимида Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги Факултода ва мухтор элчиси Нодия Иброҳим Каффоий хоним иштирок этди.

Миср маданияти кунлари 31 мартга қадар давом этади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн учинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси 2008 йил 27 март кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2008 йил 26 март кунини соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесидида рўйхатга олинади.

УЧ ЙИЛЛИК МАХСУС ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Бир рақам шарҳи



2009 йилда республикамизда кадрлар тайёрлаш ва мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурлари тулик ижро этилиши тўғрисида 1,1 миллион ўқувчи таълим олади. Шундай қилиб, мамлакатимизда барча ўқувчилар уч йиллик махсус касб-хўналар таълими тизимига жалб этилади. Бу уларга ўз қобилиятини рўйга чиқариш, аниқ мутахассисликка эга бўлиш орқали жамиятда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллаш имконини беради.

ЖАҲОН

24 соат ичида

«Amnesty International» Ўзбекистоннинг қатъий нуқтаи назарини юксак баҳолади

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Amnesty International» ташкилотининг халқаро ҳуқуқ ва халқаро ташкилотлар бўйича дастури директори Мартин Макферсондан мактуб келди.

Унда муаллиф БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2007 йил 18 декабрда қабул қилинган «Ўлим жазосининг қўлланилишига мораторий жорий қилиш» (62/149 рақамли) резолюциясини қўллаб-қувватлагани учун «Amnesty International» ташкилотини номдан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига миннатдорлик билдирган.

Мақтубда таъкидланишича, ҳақонинг барча геогрaфiк минтақаларидан 87 аъзо-давлат БМТнинг 3-қўмитасида мазкур ҳужжат ҳаммуаллифларига айланди. 2007 йил декабрда бўлиб ўтган ялпи мажлисда 104 мамлакат резолюцияни ёқлаб овоз берган эди. У ўлим жазоси ҳамон сақланиб келаётган давлатларни, «Ўлим жазосининг иккунчи этилишига мораторий жорий қилиш ва кейинчалик эса уни бутунлай бекор қилиш»га чакирди.

«Amnesty International» ташкилоти ушбу резолюциянинг БМТ асосий органи томонидан қабул қилиниши ўлим жазосининг бекор қилиниши йўлидаги муҳим қадам бўлганига ишонч бил-

ди. 2008 йил 28 февраль ҳолатига кўра, жаҳоннинг 135 мамлаката қонун йўли билан ва амалда мазкур жазо турини қўллашдан воз кечган. Ушбу резолюция ўлим жазоси хали ҳам амалда ижро этилаётган мамлакатларни олий жазо чораларини қўллаш борасида қонунларини қайта кўриб чиқиш, шу йўл билан уларни халқаро андозаларга мослаштириш, ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар сонини камайтириш, ўлим жазосига мораторий жорий этиш масаласини миллий институтларда ва фуқаролик жамияти орасида муҳокама қилишда муҳим воситадир. Мақтуб яқинда М. Макферсоннинг таъкидлашича, «Amnesty International» Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ўлим жазосини бутунлай бекор қилиш йўлидаги қадам сифатида бундай жазо турлари билан боғлиқ ҳужумлар ижросида жаҳоннинг барча мамлакатларида мораторий жорий қилинишига эришиш борасидаги ишларни давом эттиришга умид билдиради.

«Жаҳон» АА.

Табиат хуружи

Албания пойтахти — Тиранада давом этаётган кучли ёғингарчилик фуқаролар учун жиддий нуқулайликлар туғдирмоқда.



«ИТАР-ТАСС» агентлигининг Албания оммавий ахборот воситалари таъниб берган маълумотида айтилишича, кучли ёғин автомобиллар қатновини тўхтатиб қўйган.

Мамлакатнинг тоғли худудлари аҳолиси эса электр манбаисиз қолди. Ҳозир Албанияда шамолнинг тезлиги секундига 30 метрга етган.

Номаълум учар жисм

Бразилиянинг Гойяс штатидаги фермалардан бирига номаълум учар жисм (НУЖ) келиб тушди.



Бу ҳақда мамлакат маҳаллий оммавий ахборот воситалари гувоҳларнинг хабарига таяниб маълумот тарқатди.

Диаметри тахминан бир метрга тенг НУЖ хонадонларга яқин худудга қўнган. Воқеа ҳақида Себастьян Маркес исмли фермер биринчилардан бўлиб билган ва тезда ўт учирувчиларга хабар берган.

Полиция ходимлари эса аҳолини НУЖга яқинлашмаслик тўғрисида оголантирган.

Хориқ матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«KAFOLAT RIELT» МЧЖ

2008 йил 15, 22, 29 апрель кунлари соат 12.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида очик аукцион савдоларига ўтказилади.

Аукцион савдоларига қўйидаги мулк бошланғич баҳоси пасайтирилган ҳолда қайтадан қўйилмоқда:

«PASTA KAMOLA» ҚҚнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, «Чилонзор-2Б» мавзеси, «Заргарлик» кўчаси, 2-уйда жойлашган «PASTA KAMOLA» ҚҚ банкрот корхонасига тегишли умумий майдони 955,0 кв.м. бўлган бино қисми, «LEVATI» Италия фирмасининг картошка чипсларини тайёрлаш линияси, Италиянинг «ИМАФАРНИ» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган «Чўзма» навли печенье тайёрлаш линияси ва барча товар-моддий бойликлардан ташкил топган мулкий мажмуа. Бошланғич баҳоси — 923 591 700 сўм.

Шунингдек, «KAFOLAT RIELT» МЧЖ 2008 йил 29 апрель ва 6, 13, 20, 27 май кунлари соат 12.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйидаги мулкларни қўймоқда: «МИНГ ЧИНОР» ХХСКнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, «Тошовул» ҚФЙ, Бойтепа қишлоғида жойлашган, «МИНГ ЧИНОР» ХХСК банкрот корхонасига тегишли савдо дўқони. Бошланғич баҳоси — 780 000 сўм.

«ДУСТОБОД НОН» АЖнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, «Тошовул» ҚФЙ, Отажонов жамоа ҳўжалигида (Огонёк кўрғони) жойлашган «ДУСТОБОД НОН» АЖ банкрот корхонасига тегишли савдо дўқонининг иккинчи қавати. Бошланғич баҳоси — 20 858 000 сўм.

Ушбу мулкларни корхонанинг тугатиш бошқарувчиси вакили иштирокида жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар савдо ташкилотининг ҳисоб рақамига 10 фоз миқдорда закат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатини тақдим этган ҳолда, савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топширилдиган аризалар ва закат тўларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев к., 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.

Диққатга молик бир далил. 2007 йилда Қорақўл туманидаги 1-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернати битирувчиларнинг 92 фоизи республикамиздаги турли олий ўқув юртилари талабалари бўлишди. Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасига қарашли Олий ҳарбий божхона институтига қабул қилинган Азиз Очилов — шулардан бири. У тест синовларида 216 балл тўплаб, кўпбал тенгдошларини ҳайратда қолдирди.

— Албатта, — дейди мактаб-интернат директори ўринбосари Нурулла Яҳёев ўқувчиларимизнинг муваффақиятлари замирида ўқиш, изланиш, ҳар бир ўсмир қалбига йўл топишдек машаққатли, аммо шарафли меҳнат ётибди.

Шу ўринда бир маълумотта эътиборингизни қаратмоқчимиз. Қорақўл вилояти Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича 2007 йилги тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг жавоблар самардорлиги тахлил қилинганда, буюроликлар фарқи иккинчи ўринни банд этишгани кўзга ташланади. Айрим фанлар, хусусан, математика, физика, биология фанлари бўйича эса улар жуда юқори натижаларга эришган. Масалан, физика фанидан тест синовларида қатнашган 4216 нафар абитуриентнинг жавоблар самардорлиги 31,8 фоизни, биология фани бўйича эса 45,4 фоизни ташкил этган. Туманлар миқёсида олиб кўрадиган бўлсак, математика бўйича Шофиркон, Қорақўл, физика бўйича Қорақўл, Олот, биология ва кимёдан Пешку, Қоровулбозор туманлари юқори

МИНГНИ ЙИҚҚАН БИЛИМЛИЛАР

кўрсаткичларни қўлга киритгани аёнлашади.

Хўш, шундай экан, вилоят абитуриентларининг ана шу юксак ютуқлари боиси нимада?

— Бунинг сабаблари жуда кўп, — дейди Давлат тест марказининг Буюро вилояти бўйича вакили, доцент Комил Курбанов. — Авваламбор, таълим сифатига эътиборнинг ошгани, тест синовларининг адолатли ташкиллантирилиши ана шундай омиллар сирасига кирди. Бундан ташқари, ёш иқтидорлиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли ишлар ва ёшлардаги билим чанқоқлик, кучли иштиёқ бу ютуқларга пойдевор вазифасини ўтамоқда. Айтиш жоизки, таълим тизимининг

биргина 2007 йилда вилоятда 114 та мактабнинг фан кабинетлари тўлиқ жиҳозланди.

— Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан қатор йиллардан буён ўтказиб келинаётган «Мактаблар кўни» тадбири ўқув муассасалари муаммоларини ҳоимийлик ёрдами билан ҳал қилишда муҳим ўрнига эга бўлди.

— Ўн бир йилдики, ўқув марказлари билан ҳамкорлик қилиб келаман. Бошқача айтганда, репетиторлик би-

лимага эҳтиёжини уйғота билиш, репетиторлик хизмати — буларнинг бари бизда биринчилар қаторида илғор педагогик технологиялар қўлланила бошлади. Тажрибали, виждонли ўқитувчилар меҳнати, устозлар юзини ёрга қаратмаслик ҳисси, ўғил-қизларда билимга эҳтиёжини уйғота билиш, репетиторлик хизмати — буларнинг бари

ўз самарасини бермоқда. Хусусан, 2007 йилги фан олимпиадаларининг мамлакат босқичида голиб бўлган етти нафар ўқувчимиз олий ўқув юртига тест синовларисиз, имтиёзли тарзда ўқишга кириш ҳуқуқини қўлга киритди. Республика миқёсидаги фан олимпиадалари якунига кўра, вилоятимиз фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Бу натижаларда мактаб ўқитувчиларининг катта ҳиссаси борлиги шакшубҳасиз. Шунингдек, иқтидорли ўқитувчиларни ўз атрофига тўплаган ўқув марказлари фаолияти ҳам бу борда муҳим аҳамият касб этаётди.

— Ўн бир йилдики, ўқув марказлари билан ҳамкорлик қилиб келаман. Бошқача айтганда, репетиторлик би-

лан шуғулланаман, — дейди Буюро давлат университетининг «Ўзбекистон тарихи» кафедраси ўқитувчиси Камол Раҳмонов. — Вилоятимиз абитуриентларининг тест синовларида жавоблар самардорлиги бўйича етакчи ўринларни эгаллашаётганида ўқув марказларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг хизмати беқийёс. Мен шогирдларимга «Ота-она, репетитор ва абитуриент — бу ўзига хос учбурчак. Ота-она лоқайд, репетитор масъулиятсиз, абитуриент эса дангаса, ўқувсиз бўлмаслиги керак» деган гапни тез-тез такрорлайман. Кузатишларим асосида шундай хулосага келдимки, вилоятимиз мактаблари, айниқса, иқтидорли болалар мактаб-интернатлари битирувчиларининг аксарияти билимли, илмга чанқоқ. Бу уларнинг билимга эришиш сўраб билишларидан, тийрак нигоҳларидан сезилиб туради.

Ўқитувчи ҳақ. Бир доғишдан «Сиз қандай қилиб шунча илмга эришдингиз?» деб сўраганида, у «Савол берувчи тил, билувчи қалб ва чидамли ўқитувчи билан» дея жавоб берган экан. Йиллар синовидан ўтган бу ҳақиқат ёнига ёш иқтидор эгаларига эътиборини ҳам қўймас, буюролик абитуриентлар эришаётган натижалар моҳиятини теран англаб оламиз.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Қизқетганда янги мактаб

Мактаб таълимни ривожлантириш умумий миллий дастури талабларини амалга ошириш мақсадида Нукус шаҳрида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Замонавий таълим масканлари қад ростлапти.

Шаҳардаги Қизқетган посёлкасида 340 ўқувчига муволажаланган мактабда бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Бош пудратчи — Нукусдаги «Саноат-энерготаям» бошқармаси ҳозирча 200 миллион сўмликка яқин қурилиш ишларини бажарди. Мактабнинг асосий иморатларидан ташқари, спорт зали, ошхона, устакхона барпо этиш ҳам кўзда тутилган.

Ҳидоят АҲМЕДОВ.

«SAMARQAND» ХУСУСИЙ ЁПИҚ АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ. аҳолига бир неча турдаги юқори даромадли, муддатли ва талаб қилиб олгунга қадар омонатларини таклиф этади. Миллий валютадаги омонатлар. Талаб қилиб олгунга қадар сақланадиган омонати. Талаб қилиб олгунга қадар Муддатсиз 2% 100 сўм. Муддатли омонатлар. «Шердор» 6 ой 18% 10 000 сўм. «Хазина» 3 ой 25% 500 000 сўм. «Самарқанд гавҳари» 3 ой 16% 10 000 сўм. ХЕАТ «Самарқанд» банкида аҳоли омонатларининг сир сақлашиши кафолатланади. Омонатга қўйилган маблағининг ҳисобига олган даромадининг солиққа тортилмайди. Маълумот учун телефон: 294-92-37. Хизматлар лицензияланган.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ. бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади. Такрорий очик аукцион савдосига ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 2 мартдаги 1-107/07-сонли ижро варақасига асосан, Андижон вилояти Избоскан тумани суд ижрочилири бўлими томонидан қўйидаги мулклар қўйилмоқда: Улғунор тумани, «Дўстлик» массивида жойлашган, 2001 йилда ишга туширилган, майдони 1005,8 кв.м. бўлган бетон ишлаб чиқариш цехи. Бошланғич нархи — 67 620 606 сўм. Избоскан тумани, Луқмибек қишлоғида жойлашган қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳунар коллежи ошхона биноси ва иншоотлари. Бошланғич нархи — 146 685 000 сўм. Олтинқўл тумани, Кумакай қишлоғи, «Уйшин» маҳалласи худудида жойлашган «Савдо осмони» хусусий корхонасига қарашли АЕКШ бино-иншоотлари ва техниккалари. Бошланғич нархи — 41 770 220 сўм. Олтинқўл тумани, Оразий ҚФЙда жойлашган, «Олтинқўл ёғ» шўъба корхонасига қарашли ДСХ-50 кг русумли тарози — 1 тўплам, элеватор норияси — 1 тўплам, 3 тоннави тарози — 1 тўплам, ёғ тозалаш (рафинадорная) ускунаси — 1 тўплам, ёғ қуритиш ускунаси — 1 тўплам, 1 та «LG T717B» русумли компьютер, 1 та «CANON LBP-2900» русумли принтер, 4 та шкаф, 10 та стул, 5 та галдони стол, 1 та компьютер столи, 10 та 25м3 ҳажмдаги сийми, 1 та сўйф, уруччилик омбори биноси, маъмурий бино, ободонлаштириш мажмуи, устакхона биноси, ишлаб чиқариш цехи биноси, машиий бино, ўсимлик ёғи сақлаш сиймилари, саралаш иншооти, чиқинди омбори, қозонхона, электр тармоқлари, муҳандислик тармоқлари ичидеги барча иншоотлари билан. Бошланғич нархи — 206 018 152 сўм. Андижон тумани, «Қуйганёр темир-бетон буюмлари» корхонасига қарашли бино-иншоотлар ҳамда ишлаб чиқариш анжумлари, асосий воситалар ва «С-130» русумли бульдозер. Бошланғич нархи — 183 900 000 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 15 апрель кун соат 11.00 да ўтказилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган мулклар билан Избоскан тумани СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Андижон вилояти филиалининг қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: «Асака» банки Андижон вилояти филиали, МФО 00069, ИИН 200933850, х/р 22622000200571452003. Ушбу мулклар сотилиши тўғрисидаги аълон «Андижоннома» газетасининг 2008 йил 15 мартдаги 22-сониде чоп этилган. Қўшимча маълумотлар учун манзил: Андижон шаҳри, Навоий шўқўчаси, 30-уй. Телефонлар: (8374) 224-48-53, 224-37-86. Лицензия: DB 001 № 000004.

«Дойче Кабель АГ Ташкент» ОАЖ КК DKG. Кенг ассортимента кабель-ўтказгич маҳсулотлари ва пўлат симдан тайёрланган буюмлар. Турли диаметрдаги пўлат симларни тайёрлаймиз. Чегирмалар тизими мавжуд. Батафсил маълумот олиш учун сайтими: www.dkg-ag.de. Ўзбекистон, Тошкент ш., 100058, Ж. Обидова к., 276-уй. Тел./факс: (+998 71) 150-21-25, 248-36-30, 248-81-89, 248-81-91, 248-20-63. Уяли тел.: 172-00-19, 388-86-06. E-mail: info@dkg-ag.de, export@dkg-ag.de. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. - пўлат сим - пахта тойини ўраб боғлаш учун сим (пояс) - тиканли сим - «Ёғоза» сими - пайвандлаш сими - темир-бетон конструкциялари учун сим (ВР-1, ВР-2) - мис тилимлар (шины) - арматура - миҳлар. Кабель маҳсулотларини ўраш учун металл ва ёғочдан тайёрланган катта галтақлар (барабани)ни сотиб оламиз. Буюртма бўйича тайёрлаймиз.

Hyundai. Drive your way. Кафолат — 2 йил. Махсулот сертифициланган. Тел.: 250-11-11, 250-69-99, Факс: 250-55-99. www.hyundai-motor.com. Official Partner.

ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ со склада в Ташкенте: сельхозшины Voltyre. 15,5-38 (Ф-2АД нс8), 9,00-16 (Я-324А нс10), а также любые другие модели под заказ. Адрес: г. Ташкент, Ц-5/65. Тел./факс: 140-02-70, 140-02-71. E-mail: euroaz@mail.ru. ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН. Абдулла Қодирий номидеги Тошкент давлат маданият институти ректорати, жамоат ташкилотлари Касбий педагогик таълим факультети декани Собир Жумаева онаси ФАРОҒАТ аяниги вафоти муносабати билан чухур таъин билдиради.

ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

жорий йил 28 — 30 март кунлари

**ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИНГ
КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА САВДОСИ
РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИДА**

Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган

**ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ
ВА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ
КЎРГАЗМАСИ**

Ўтказилади.

Кўргазмада мебель, сантехника, ошхона жиҳозлари ва маиший электротехника буюмларини ишлаб чиқарувчи Хитойнинг етакчи фирма ва компанияларининг хилма-хил маҳсулотлари намойиш этилади.


Бу ерда ўзингизни қизиқтирган маҳсулотларни харид қилиш бўйича бевосита уларни ишлаб чиқарувчилар билан шартнома имзолаш имкониятига эга бўласиз.

Кўргазма 3 кун давом этади.
Иш тартиби — 10.00 дан 17.00 гача.

«ЎЗУЛГУРЖИСАВДОИНВЕСТ» УЮШМАСИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 41-уй.
Мўлжал: метронинг «Беруний» бекати.
Маълумот учун телефонлар: 227-10-44, 227-10-85.

3 КУН ДАВОМИДА ХИТОЙ БИЗНЕСИНИНГ МЕХМОНИ БЎЛИНГ!



Мухлислар ҳузурда

Тошкент вилояти ҳокимлиги «Ўзбекино» миллий агентлиги билан ҳамкорликда Ўзбек миллий кино санъати кунларини ташкил этди.


Вилоят Маънавият тарғибот марказида, Бекобод, Пскент, Бўка туманлари ва Бекобод шаҳрида уюштирилган элликдан зиёд киножодкорлар билан учрашувларда халқимизнинг Зикир Муҳаммаджонов, Яйра Абдуллаева, Рихси Иброҳимова, Исмаилов Эргашев, Лутфулла Саъдуллаев, Гулчехра Саъдуллаева, Хайрулла Саъдиев сингари сеvimли актёрлари, Шўхрат Аббосов, Мэлс Абзалов каби таниқли режиссёрлар, уларнинг шоғирдлари ва издошлари қатнашдилар. Томошабинлар билан юзма-юз мулоқотлар чоғида Мустақиллик йилларида миллий киночилигимизда эришилган ютуқлар мамнуният билан қайд этилди.

Учрашув

Тадбир кунлари бир қатор туман-шаҳарларда киносанъаткорларимиз томонидан яратилган 43 та бадиий ва ҳужжатли фильм намойиш этилди. Мухлислар, айниқса, ўзлари яшаётган вилоятнинг Охангарон, Бўстонлиқ, Паркент, Янгибод сингари тоғли ҳудудларида суратга олинган киноасарларни мириқиб томоша қилдилар.

Абдуноби ҲАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МИР обоев



**Российский
линолеум**

Тел. 234-48-11

Факс 234-49-58

Товар сертифицирован.

Форма оплаты — любая.



ГЕОГРАФИЯНИ ЎРГАНИНГ!

ХАЛҚАРО ҚЎНҒИРОҚЛАР НАРХИ ЯНАДА АРЗОНЛАШДИ

МДХ - \$ 0,30/дақ | ЕВРОПА - \$ 1,20/дақ | АМЕРИКА ВА АФРИКА - \$ 1,30/дақ
ОСИЁ - \$ 1,60/дақ | АВСТРАЛИЯ ВА ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ - \$ 1,80/дақ

Нархлар ЎЗРМБнинг АҚШ долларига нисбатан қийматида кўрсатилган. Барча солиқлар ҳисобга олинган. Хизматлар лицензияга эга.

Расмий ҳамкор:



(8598) 305-1111 www.cdma.uz

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 44003 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусахҳаҳ — Ҳ. Тошқужаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.30 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6 7